

Саттикулова Гулнора Ахмадхановна –  
Андижон машинасозлик институти  
катта ўқитувчиси

## ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ

**Аннотация.** Мақолада саноат тармогининг миллий иқтисодиёт тараққиётида тутган ўрни ва роли ёритиб берилган, юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантиришнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсири асосланган, Ўзбекистонда юқори технологияли саноат тармоқлари ривожланишининг замонавий ҳолати ўрганилган, юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш юзасидан таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** саноат, саноатнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, юқори технологияли саноат тармоқлари, инновация, инновация салоҳияти, инновацион иқтисодиёт, рақобатбардошлик, илм-фан сизими юқори технологиялар.

**Аннотация.** В статье раскрыто место и роль промышленности в развитии национальной экономики, обосновано влияние развития высокотехнологичных отраслей промышленности на конкурентоспособность национальной экономики, изучено современное состояние развития высокотехнологичных отраслей промышленности в Узбекистане, предложены рекомендации по развитию высокотехнологичных отраслей промышленности.

**Ключевые слова:** промышленность, структура промышленности по видам экономической деятельности, высокотехнологичные отрасли промышленности, инновация, инновационный потенциал, инновационная экономика, конкурентоспособность, наукоемкие технологии.


**Annotation.** The article reveals the place and role of industry in the development of the national economy, substantiates the impact of the development of high-tech industries on the competitiveness of the national economy, studies the current state of development of high-tech industries in Uzbekistan, and offers recommendations for the development of high-tech industries.

**Keywords:** industry, industrial structure by type of economic activity, high-tech industries, innovation, innovative potential, innovative economy, competitiveness, high technologies.

Саноат миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Саноат, айниқса, электр энергетикаси, машинасозлик ва кимё саноатининг ривожланиши илмий-техника тараққиётининг жадаллашишига ижобий таъсир кўрсатади. Бутун иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланган саноат ишлаб чиқариши кенгаётирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда ва инновация ғояларини жорий этишда муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши ва хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан саноат ривожланиши даражаси билан боғлиқ. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш озиқ-овқат ва енгил саноатнинг ривожланиши билан белгиланади. Айни вақтда саноат тармоқлари рақобатбардошлигининг юқорилиги мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва ролининг мустаҳкам бўлишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётда шунчалик кўп сифат ўзгаришлари юз беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 60 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарнинг 3,1 фоизи тоғ-кон саноати, 94,4 фоизи қайта ишлаш саноати, 0,7 фоизи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, 1,8 фоизи сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ҳиссасига тўғри келади<sup>1</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда 228,9 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 2017 йилга нисбатан 14,4 фоизга кўп. Агар саноат маҳсулоти ўсишини иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич тоғ-кон саноатида қайд этилган – 25,4 фоиз. Қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 2017 йилга нисбатан 13,2 фоизга кўпайган.



**1-расм. Ўзбекистонда 2018 йилда саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, %**

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.67.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.179.

1-расм маълумотлари шундан далолат берадики, 2018 йилда жами саноат маҳсулотининг 76,6 фоизи қайта ишлаш саноати, 16,1 фоизи тоғ-кон саноати, 6,4 фоизи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш ва 0,9 фоизи сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш ҳиссасига тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига баҳо беришда қайта ишлаш саноатининг технологик таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қайта ишлашнинг кучли сектори мамлакатнинг технологик қувватини белгилаб берса, унинг қисқариши иқтисодий пасайишдан далолатдир. Ривожланган мамлакатларда қайта ишлаш саноати бандлик ва ишчи ўринларининг кенг миқёсда ўсишини таъминловчи манба ҳисобланмайди, аммо меҳнат унумдорлиги, инновациялар ва халқаро савдонинг ўсишини таъминлаб берувчи асосий тармоқ ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юқори технологияли ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили ва мамлакат аҳолиси юқори турмуш даражасини таъминлашнинг муҳим шартига айланди. Инновацияларни яратиш ва жорий этиш, юқори технологияли ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини, молиявий барқарорликни, шунингдек, жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимида тутган ўрни ва ролини белгилаб беради.

Одатда “юқори технологиялар” атамаси илм-фан сиғими юқори технологиялар, инновацион технологиялар каби атамалар билан биргаликда қўлланилади. Бу технологиялар чуқур ва илғор илмий билимларга асосланади. Юқори самарали муҳандислик фаолияти ҳам ушбу тушунчага тегишли.

Юқори технологияли ишлаб чиқариш бу барча босқичларида ёки алоҳида босқичларида илғор инновацион технологиялар қўлланиладиган ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Натижада энг янги илмий ишланмалар ёрдамида юқори иқтисодий натижаларга эришиш ва тайёр юқори технологияли маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш имкониятига эга бўлинади. Юқори технологияларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда фанлараро билимларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда техник билимлар билан бир қаторда иқтисодий фанлар билимлари (молия, маркетинг, менежмент)нинг роли кучайиб боради. Юқори технологияларни қўллашда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари алоҳида ўринга эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) услубиятига кўра, юқори технологияли тармоқларга ушбу тармоқлар томонидан жўнатилган маҳсулотлар таркибида тармоқ фанига сарфланган харажатлар улуши 5 фоиздан юқори бўлган тармоқлар киради. Ўрта юқори технологияли тармоқларга тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланган харажатлар улуши 2,5

фоиздан 5 фоизгача, ўрта технологияли тармоқларга 1 фоиздан 2,5 фоизгача ва паст технологияли тармоқларга 1 фоиздан паст бўлган тармоқлар киради<sup>2</sup>.

Одатда юқори технологияли тармоқларга аэрокомонавтика, фармацевтика, офис техникаси, ҳисоблаш ва компьютер воситалари ишлаб чиқариш, радио ва телекоммуникация асбоб-ускуналари, тиббиёт, аниқ ва оптик асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш киритилади.

Ўрта юқори технологияли тармоқлар ўз ичига электр асбоб-ускуналари, автомобиль двигателлари, трейлерлар ва ярим трейлерлар ишлаб чиқариш, кимё саноати, темирйўл ва бошқа транспорт асбоб-ускуналари саноати, машинасозлик саноатини қамраб олади.

Ўрта қуйи технологияли тармоқларга пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, ядро энергетикаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нometалл минерал маҳсулотлари, металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш киради.

Қуйи технологияли тармоқлар қайта ишлаш соҳалари, жумладан, ёғочни қайта ишлаш, қоғоз саноати, полиграфия-нашр маҳсулотлари, озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, терини қайта ишлаш каби тармоқлардан иборат.

Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда қайта ишлаш саноатининг технологик таркибида энг катта улуш қуйи технологияли тармоқлар ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами қайта ишлаш саноатидаги улуши 2018 йилда 38,9 фоизга тенг бўлди. 2017 йилда бу кўрсаткич 49,4 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш жоиз. Бошқача қилиб айтганда 2017 йилга нисбатан 2018 йилда қуйи технологияли тармоқларнинг улуши 10,5 фоиз нуқтасига пасайган.

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноатининг технологик таркиби, %**

	2017	2018
Юқори технолгияли	1,9	1,6
Ўрта юқори технологияли	21,7	29,7
Ўрта қуйи технологияли	27	29,8
Қуйи технологияли	49,4	38,9

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.68.

Айни вақтда 2017 йилга нисбатан 2018 йилда ўрта қуйи технологияли тармоқларнинг жами қайта ишлаш саноатидаги улуши 27 фоиздан 29,8 фоизгача ўсган. Энг катта ўзгариш ўрта юқори технологияли тармоқларда юз бериб, ушбу тармоқларнинг ялпи қайта ишлаш саноатидаги улуши 2017 йилга

<sup>2</sup>OECD iLibrary: [Электронный ресурс] // OECD Science, Technology and Industry Outlook. — 2014. — Режим доступа: [http://www.oecd-ilibrary.org/science-and-technology/oecd-science-technology-and-industry-outlook-2014\\_sti\\_outlook-2014-en](http://www.oecd-ilibrary.org/science-and-technology/oecd-science-technology-and-industry-outlook-2014_sti_outlook-2014-en)

нисбатан 2018 йилда 21,7 фоиздан 29,7 фоизгача ўсган. Кўриниб турибдики, қайта ишлаш саноатида ялпи маҳсулот ҳажмининг ошишида ўрта юқори технологияли тармоқлар муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистон қайта ишлаш саноатида юқори технологияли тармоқларнинг улуши жуда кичик бўлиб, у 2017 йилда 1,9 фоиздан 2018 йилда 1,6 фоизгача пасайган<sup>3</sup>.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда ўрта юқори технологияли ва юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади. Зеро, бу тармоқларда қўшилган қиймат даражаси юқори бўлиб, мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш борасида ижобий натижаларга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- юқори технологияли сектор корхоналарининг илмий-техник ва тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантиришни кўзда тутувчи юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг стратегик ривожланиш режасини шакллантириш;

- ресурсларни илмий-техника тараққиётининг ҳал қилувчи ривожланиш йўналишларида жамлаш ва уларни тақсимлашнинг оптимал тизимини барпо этиш;

- ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳитини шакллантиришга қодир маҳаллий илмий-ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этишни доимий тарзда қўллаб-қувватлаш;

- нафақат йирик ишлаб чиқариш бирликлари, балки тадбиркорликнинг кичик ва ўрта субъектлари инновацион илмий фаолиятини доимий тарзда рағбатлантирган ҳолда янгиликлар генерацияси, ривожланиши ва уларни тарқатишнинг махсус ихтисослашган ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш.

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.68.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони. // <http://lex.uz/docs/4168749>
3. Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Инновационный потенциал и его влияние на конкурентное развитие экономики страны (теоретико-методологические аспекты) Т.: Фан ва технология, 2016. 884 с.
4. Иванченко А. Г., Ушаков Д. С. Понятие высокотехнологичной продукции. Анализ российской и зарубежной литературы // Молодой ученый. — 2018. — №17. — С. 178-180.
5. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – 333 б.
6. OECD iLibrary: [Электронный ресурс] // OECD Science, Technology and Industry Outlook. — 2014. — Режим доступа: [http:// www.oecd-ilibrary.org / science-and-technology / oecd-science-technology-and-industry-outlook-2014\\_sti\\_outlook-2014-en](http://www.oecd-ilibrary.org/science-and-technology/oecd-science-technology-and-industry-outlook-2014_sti_outlook-2014-en)